



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 6 октябрь, № 210 (8553)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясида расмий ташриф билан бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Қозон шаҳрига келди. Абдулла Тўқай номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Россия Хукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов кутиб олди. Россия Федерациясига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳридаги "Казань Экспо" марказида очилган Татаристон саноат салоҳияти кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига Россия Хукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди. 4 октябрь куни бу ерда учинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Президентимизга ушбу тадбир якунлари тўғрисида батафсил ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари Татаристоннинг етакчи корхоналари саноат маҳсулотлари ва технологиялари билан танишди. Кўргазма доирасида Россия Хукума-

ти Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров билан учрашув бўлиб ўтди. Навбатдаги Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари форумида эришилган келишувларни, энг аввало, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Қозон Кремли" тарихий-меморий ва бадиий музей-қўриқхонасида бўлди. Давлатимиз раҳбарига Татаристон Раиси Рустам Минниханов ҳамроҳлик қилди.

Қозондаги Кремль ЮНЕСКОнинг Бунтжонхон мероси рўйхатига киритилган. У Қозоннинг энг қадимги қисми бўлиб, шаҳарнинг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этган мейморий, тарихий ва археологик ёдгорликлардан иборат. Бу ерда Ўзбекистон Президенти "Қул Шариф" масжидини кириб кўрди. Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Камил Самигуллин олий мартабали меҳмонга масжид тарихи ҳақида батафсил сўзлаб берди. Дуо ўқилди.

Масжид 1996 — 2005 йилларда Қозон хонлиги ҳудудида XVI асрнинг иккинчи ярмига қадар мавжуд бўлган жума масжиди ўрнида бунёд этилган ва Имом Қул Шариф номи билан аталган.

Давлатимиз раҳбари Қозон ва Татаристон митрополити Кирилл ҳамроҳлигида Благовещенск соборини ҳам кўздан кечирди. Қозон Кремли ҳудудидаги обидаларнинг энг қадимгиси бўлган ушбу иншоот XVI асрда бунёд этилган. Псков мейморчилик анъаналарининг ёрқин намунаси.

Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига расмий ташрифи доирасида Татаристон Республикаси Раиси Рустам Минниханов билан учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда ўзаро ҳамкорликда юқори натижаларга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Савдо ва инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Ташкилот вилотида "Чирчик" кимё-индустриал технопарки муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Жиззах вилотида технопарк қурилиши давом этмоқда.

Кимё тармоғи ва машинасозликда йиллик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳрида Қозон федерал университетининг филиали ишланмоқда.

Қозон шаҳрида ўтган учинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг якунлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида Россиянинг "Алабуга" ва "Мастер" технопарклари билан янги саноат паркларини ташкил этиш бўйича эришилган келишувлар қайд этилди.

Металларга ишлов бериш, ахборот-коммуникация, уй-жой коммунал соҳаларида истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, таълим, туризм ва ёшларга оид сийosatда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини қўшма "йўл хариталари" асосида илгари суришга келишиб олинди.

Расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозондан Москвага келди.

Россия пойтахтининг "Внуково-2" аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Хукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Россия давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 6 октябрь куни икки мамлакат етакчилари тор ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказдилар. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари муҳокама қилинади.

Сийосий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини кўриб чиқиш режалаштирилган. Минтақавий ва халқаро кун тартибдаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Хукумати Раиси Михаил Мишустин билан ҳам музокара ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 14 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 24 августда маъқулланган

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш доирасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг натижалари, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларининг, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш, шунингдек мазкур органлар ва муассасалар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш зарурати юзга келмоқда.

Шу тўғрисида маъқул Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бундан ташқари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқаролар йиғинлари томонидан тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг соғлиқни сақлашнинг ҳолати ҳамда фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитишни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон элчиси Ботиржон АСАДОВ: МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРДАГИ ЭНГ САМАРАЛИСИ ҲИСОБЛАНАДИ

Олий даражадаги Ўзбекистон — Россия саммити арафасида "РИА Новости" ахборот агентлиги томонидан мамлакатимиз элчиси Ботиржон АСАДОВ билан икки мамлакат муносабатларига бағишланган интервью эълон қилинди.

Биз ва жаҳон

Унда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг айна ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўз борган.

Ўзбекистон элчиси икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳозирги босқичда сўнги ўн йилликлардаги энг самаралиси

ҳисобланишини таъкидлаган. "Бу икки томонлама муносабатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, бойлиги, шиддати ва энг муҳими, сифати билан ажралиб туради, — дейди дипломат. — Россия, шунингдек, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан биридир. Ўтган йил якунларига қўра товар айирбошлаш ҳажми тўққиз миллиард доллардан ошди ва жадал ўсиб бормоқда".



Сенат Кенгашида МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ ЎРГАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Кенгаши мажлисида дастлаб махсус иқтисодий зоналар фаолияти самардорлиги ва уларга хорижий инвестициялар жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда МИЗ фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этишда соғлиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда

қабул қилинган "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун билан МИЗ ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиб-таомили такомиллаштирилди, маъмурий функцияларни нормализациялаштириш, улар дирекцияларининг ваколатларини кенгайтириш орқали фаолиятини бошқариш механизми соддалашти-

рилди. Айна чоғда МИЗ иштирокчиларига қатор имтиёз ва преференциялар берилган бўлиб, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача солиқ ва божхона имтиёзлари давлат томонидан қамолатланди.

Жорий йил 1 сентябрга қадар махсус иқтисодий зоналарда 39,1 трлн. сўмлик 620 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобига 56 миңдан зиёд иш ўринлари яратилди. Хорижий инвестициялар ҳажми 11 трлн. сўмни ташкил қилгани ҳам эътиборга молиқ.



СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ



Видеолавахда кўринг



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида давом этаётган XIX Осиё ўйинларининг навбатдаги куни ўзбек спортчиларининг ёрқин ғалабаларига бой бўлди.

Бокс бўйича уштирилган финал беллашувларининг учтасида иштирок этган ҳамюртларимиз рақибларини мағлубиятга учратди. Жумладан, нуфузли мусобақанинг вазни 51 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида қатнашган маҳоратли спортчимиз Ҳасанбой Дўсматов таиландлик Титисан Панмотни мағлубиятга учратиб, Осиё ўйинлари голибига айланди.

Осиё ўйинлари

Ҳасанбой Дўсматов Осиё ўйинлари давомида дастлаб Жанубий Корея вакили Сех Еонг Жодан устун келди. Кейинги босқичда янада кучли рақиб қозғистонлик Сакен Бибосиновни таслим этди. Ҳамюртимиз кейинги беллашувларда Ван Дуонг Нгун (Вьетнам), Карло Палаам (Филиппин) ва Пинг Лю (Хитой)ни енгиб финалга қадар етиб келди. Олтин медаллар учун кечган беллашууда эса япониялик Шудай Харадада мағлуб бўлди.

Ўзбек бокс мактабининг ёрқин юлдузларидан бири Баҳодир Жалолов (+92 кг.) ҳам Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Ҳамюртимиз мусобақа давомида тожикистонлик Мухаммад Аброридинов, хитойлик Данабай Байқўзини мағлубиятга учратиб финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашууда эса қозғистонлик Камшибек Конкабаевни мағлуб этди.

Шу тариқа ўзбекистонлик боксчилар Осиё ўйинларида 3 та олтин ва 2 та бронза медаль жамғариб, турининг энг яхши жамоаларидан бири бўлди.

Бундан ташқари, кечаги дастурдан ўрин олган кураш бўйича беллашувларда ҳам вакилларимиз совриндорлар сафидан жой олди. Жумладан, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рустам Аскакалов фаолиятида учинчи бор Осиё ўйинларининг шохсупасига кўтарилди. 97 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз бронза учун кечган баҳсда қозғистонлик Ислам Умаев устидан муддатидан илгари ғалаба қозониб, мусобақани учинчи ўринда якунлади. Бунгача Аскакалов ҳисобида Осиё ўйинларининг олтин ва кумуш медаллари бор эди.

Актенге Кеунимжаева Осиё ўйинларида медалга сазовор бўлган илк курашчи қизимизга айланди. Мусобақанинг навбатдаги кунидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 19 та олтин, 16 та кумуш ва 25 бронза, жами 60 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринда бормоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Ушбу Қонун соғлиқни сақлаш органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга, шунингдек тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида аҳолининг хабардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 24-модда биринчи қисмининг ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш»;

2) VI боб қуйидаги мазмундаги 25⁵-модда билан тўлдирилсин:

«25⁵-модда. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш

Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳудудда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилди, ҳудуддаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни ҳал этишга, шу жумладан кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини оширишга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини оширишга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади, шунингдек тегишли қарор қабул қилиниб, қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳудудда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш

тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилди, ҳудуддаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни ҳал этишга, шу жумладан кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини оширишга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини оширишга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади, шунингдек тегишли қарор қабул қилиниб, қарор соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларига юборилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда) 11-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари

раҳбарларининг профилактика кўриқларини ҳамда скрининг дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш ҳолати, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларнинг ҳамда атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларнинг тарқалиши, фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 4 октябрь № ЎРҚ—870

Ўзбекистон элчиси Ботиржон АСАДОВ:

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛАРДАГИ ЭНГ САМАРАЛИСИ ҲИСОБЛАНАДИ

Интервьюда, шунингдек, Россия Ўзбекистон иқтисодийнинг етакчи инвесторларидан бири ҳисобланиши қайд этилган.

«Сўнги уч йилда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокидаги корхоналар сони икки баравар кўпайди. Бугунги кунда уларнинг сони уч мингга яқин. Тоғ-металлургия, энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва электротехника саноатида саноат кооперацияси лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда», дейди мамлакатимиз дипломатик миссияси раҳбари.

Сўхбат давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик динамикаси кейинги йилларда янги сифат босқичга кўтарилгани алоҳида урғулانган.

Ўзбекистон расмий вакили мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар маданият, санъат, театр, кинематография ва маданий-гуманитар соҳанинг бошқа

йўналишларида ҳам кенгаётганини билдирган. Элчи ўтган йил давомида Тошкент ва Москва шаҳарларида маданият бўйича кўп қўмита мажлислари, шунингдек, музей ходимларининг иккита конференцияси бўлиб ўтганини маълум қилган. Ўтган йили Москва ва Санкт-Петербургда Ўзбекистон маданияти кунлари ва «Ўзбек киноси» кунлари муваффақиятли ўтказилди, дейилади интервьюда.

«Бундан ташқари, россияликларнинг саёҳат учун Ўзбекистонга бориши кескин ошди. 2023 йилнинг ўтган олти ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган россиялик сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 баробар ошиб, 345 минг кишига етди. Ўтган йили бу кўрсаткич 185,6 минг саёҳатчининг ташкил қилиниши» дея қайд этилган «РИА Новости» томонида тарқатилган интервьюда.

«Дунё» АА. Москва

Ўзбекистон — Қатар:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Қатар йирик табиий газ захираларига эга ва ялпи ички маҳсулоти аҳоли жон бошига энг юқори бўлган дунёдаги учинчи давлат. Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан муносабатлари сезиларли ривожланиб, янги босқичга чиқмоқда.

Акс садо

Айниқса, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора жадаллашиб бораётган. Хусусан, 2022 йилда ўзаро савдо ҳажми 4,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2023 йил январь — август ойларидagi ўзаро савдо айланмаси ҳажми 4,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

2021 йил 1 мартдан Қатар фуқароларига Ўзбекистонга кириш учун 10 кунлик визасиз режим жорий этилиши, шунингдек, 2021 йил июнь ойида имзоланган мамлакатларимиз ўртасида Ҳаво катта йўналишдаги ҳужжатларга битим сийёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Айниқса, Қатар Амирининг жорий йил июнь ойида Самарқандга амалга оширган тарихий ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида янги босқични бошлаб

берди. Турли даражаларда мулоқотлар фаоллашди. Ўзаро савдо ҳажми ошиб, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиақатновлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон — Қатар ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирганда, парламентларо муносабатлар ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Икки мамлакат парламентларида ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлар ташкил этилиши ўзаро кунун ижодкорлиги жараёнини ўрганиш бўйича парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Мамлакатимиз электр энергияси соҳасига Қатар капиталини жалб қилиш истиқболлари катта. Бундан ташқари, Қатарнинг етакчи компаниялари ва молия институтилари иштирокида саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини

модернизация қилиш давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, Қатарнинг йирик компаниялари томонидан Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистонда йирик сарможий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар икки давлат ҳам Марказий Осиёни Кўрфаз мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа, ишончли ва хавфсиз транспорт-логистика йўлакларини шакллантиришда муваффақдор. Маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинуви кенгайтиришга қаратилган сый-ҳаракатлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 1-2 октябрь кунлари Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамд Ол Соинийнинг тақлифи биношу ушбу давлатга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларини ривожлантиришга сифат жиҳатдан янги суръат бағишлайди. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг араб дунёси мамлакатлари билан алоқалари янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир қилди. Зеро, Доҳадаги «Амири Девон»

мажмуасида бўлиб ўтган музокара чогида сийёҳлик мулоқотини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар савдо кўрсаткичларини қаррасига ошириш, аънавий ва «яшил» энергетика, нефть-кимё, металлургия чукур қайта ишлаш, қурилиш, туризм, молия ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган билдирди.

Сир эмаски, Ўзбекистон ва Қатар аънавий ҳамда «яшил» энергетика, нефть кимёси, металлургия чукур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм, молия ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятларга эга. Қолаверса, ҳозирги вақтда тобора долзарб бўлиб бораётган биотехнология ва сунъий интеллект соҳасидаги қўшма тадқиқотлар режалари алоҳида эътибор қаратишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ушбу ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча қиррасини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ташрифнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унинг доирасида Президентимиз Қатардаги йирик компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Қатардан саноатнинг турли соҳаларига, жумладан, тезорав автомагистраль, замонавий бизнес ва меҳмонхона инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш Ўзбекистон иқтисодийнинг равангага янги туртки беради. Асосийси, янги иш ўринлари яратиб, юртимизнинг сийёҳлик жозибадорлигини оширган ҳолда икки давлат ўртасидаги муносабатларини янада кенгрок ривожлантиришга хизмат қилади.

Муҳтасар айтганда, Президентимизнинг Қатар Давлатига ташрифи ҳамда унинг доирасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзолангани ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга, ҳамкорлик қўлимининг янада кенгайтиришга замин яратди.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ ЎРГАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Муҳокама жараёнида сенаторлар МИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ижобий ишлар билан бир қаторда муайян хато ва муаммолар учраётганига ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, қонунчилик ҳужжатларида божхона имтиёзларидан фойдаланган ҳолда импорт қилинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлардан тайёрланган маҳсулотларни экспортга чиқариш мuddатлари белгиланмаган. Натияжада айрим корхоналар божхона имтиёзларидан фойдаланса ҳам, импорт хомашёсидан ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилмаган.

МИЗ ер майдонларига инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш, шу жумладан, ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдога чиқариш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан шартлашилган инвестиция мажбуриятлари ўз мuddатида бажарилмаслиги натижасида МИЗ ҳудудида ажратилган ер майдонларидан фойдаланилмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. МИЗ иштирокчиларининг рақобатдош, экспортбон ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тарихининг республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумлари миқдорини кўпайтириш борасидаги улushi пастлигича қолмоқда. Инфратузилма билан таъминлан-

ганлик даражасини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларнинг ижроси тўлиқ бажарилмаган.

Мажлисада сенаторлар МИЗ фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақлифларни билдирди. Жумладан, МИЗ иштирокчиларига минтақанинг иқтисодий ривожланиши ва унинг ҳудудий жойлашувидан келиб чиқиб, табақалаштирилган имтиёз ва преференциялар қўллаш, божхона тўловлари бўйича имтиёздан фойдаланган ҳолда импорт қилинган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлардан тайёрланган маҳсулотларни экспортга чиқариш мuddатини белгилаш лозимлиги таъкидланди.

«Ягона дарча» тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатиш, инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, олий таълим муассасалари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиёти МИЗ корхоналарида ўтатиш юзасидан алоҳида қўшма дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ экани айтилди.

Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига МИЗнинг ривожланиши, жумладан, улардаги саноат корхоналари ва инфратузилма объектиларида иш ўринларининг ташкил этилиши юзасидан маъсулларнинг ҳисоботларини ҳар чорақда эшитиш бўйича тавсиялар берилди.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сенат Кенгаши мажлиси давомида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар натижалари таҳлилдан ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 21 апрелдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори асосида юртимизда 210 та Ёшлар саноат зонаси очилди. Уларнинг 299,9 гектар ер майдонига ҳамда 5800 квадрат метр бино ва иншоотларда 2272 та инвесторлар иштирокида амалга оширилди, қиймати 2,1 трлн. сўмлик 911 та лойиҳа доирасида 21589 та янги иш ўрни яратилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар ёшлар саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда йигит-қизларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ечимини кўтаётган қатор масалаларга атрафлича тўхталиб ўтди.

Жумладан, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунга махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги ваколатли давлат органи ҳамда ёшлар саноат зоналари мақоми аниқ белгиланмагани ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликлар амалиётда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Ўрганиш натижасида бугунги кунга қадар фаолият йўлга қўйилмаган ёшлар саноат зоналари ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан,

Андижон вилоятининг Олтинқўл ва Пахтаобод туманларида бундай зоналар ишга туширилмаган бўлса, Тошкент вилоятининг Бекобод, Паркент, Тошкент, Ўрта Чирчиқ туманларида уларни очиб учун ер майдонлари ажратилмаган. 2021 — 2023 йиллар мобайнида Тошкент вилоятида атиги 2 та лойиҳа ишга тушган бўлса, Тошкент шаҳрида бирорта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Ақсарият ёшлар саноат зоналари бош режалари тасдиқланмаган ва қадост ҳужжатлари тайёрланмаган. Ёшлар саноат зоналарининг аукцион савдоларига жойлаштирилган лотларни сотиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Жумладан, Сергели туманидаги ёшлар саноат зоналари ҳудудида аукцион савдоларида чиқарилган лотлар савдодан олиб қилинган ва бугунги кунга қадар савдога қайта чиқарилмаган.

Ёшлар саноат зоналарида лойиҳани амалга ошириш чораларини кўрмган тадбиркорлик субъектидан ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонларини қайтариб олиш тартиби мавжуд эмаслиги ҳам бошқарув самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишидаги ваколатли давлат органи ҳамда ёшлар саноат зоналари мақоми аниқ белгиланмагани ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликлар амалиётда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Ўрганиш натижасида бугунги кунга қадар фаолият йўлга қўйилмаган ёшлар саноат зоналари ҳам мавжудлиги аниқланди. Хусусан,

ва бино-иншоот муносабатларини тартибга солиш, жумладан, уларни хусусийлаштириш масалалари бўйича ҳукумат қарори ҳамон чиқарилмаган.

Мажлисада сенаторлар Ёшлар саноат зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тақлифларни билдирди. Масалан, ташкил этилиши кўзда тутилган 210 та Ёшлар саноат зонаси рўйхатини қайта кўриб чиқиб, инфратузилма объектилари ишга туширилиши нуқуллай ва аҳолига узоқ бўлган ҳудудларда жойлашган ёшлар саноат зоналарини мақбуллаштириш, махсус иқтисодий зоналар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадига Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги таркибиде алоҳида ягона тузилма — вертикаль бошқарув тизимини йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Шу билан бирга, Ёшлар саноат зонасидаги давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш, белгиланган мuddатларда лойиҳани амалга ошириш чораларини кўрмган тадбиркорлик субъектидан ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонларини қайтариб олиш тартибининг белгилаш зарурати мавжуд.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Ёшлар саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш учун Давлат бюджетдан ҳамда маҳаллий бюджетдан йўналтирилиши белгиланган маблағлар ўз вақтида ажратилиши, шунингдек, мақсадли сарфланишини қатъий назоратга олиш тавсия этилди.

Мажлиса кўрилган масалалар юзасида Сенат Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Қисқа сатрларда



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚўМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиева ҳамда бир гуруҳ депутатларнинг Қозоғистон Халқ ассамблеяси Раиси ўринбосари Марат Азизханов бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар ҳар икки давлат раҳбарларининг сый-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланаётгани, турли даражадаги муносабатлар фаоллашганини алоҳида эътироф этдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари ўртасида қонун ижодкорлиги ҳамда мамлакатлар ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Эркин Салихов, Меҳнат

ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлуда Ҳўжаева ҳамда бир гуруҳ депутатлар Канаданинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Элисон Леклер билан учрашди.

Сенатор ва ҳаёт

ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ҲАҚИДА

Шу кунларда сенаторлар ҳудудларда бўлиб турибди. Бу жараёнда Олий Мажлис Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлисида маълум қилган масалалар мазмун-моҳияти аҳолига тушунтирилмоқда. Айни чоғда парламент юқори палатаси ҳамда унинг Кенгаши ва кўмиталари қарорлари ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ўрганилган ҳамда Сенатга келиб тушган муносабатлар ҳақида маълум қилинмоқда.

Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қ. Бурҳонов Тошкент вилоятида бўлиб, шу масалалар юзасидан турли учрашув ва мулоқотлар ўтказди. Хусусан, сенатор халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг Судхуққ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси йиғилишида қатнашди ва соҳадаги ислохотлар юзасидан атрафлича маълумот берди.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси М. Қодирхонова Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳокимлиги вакиллари билан ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ўрганишлар олиб борди, аҳоли вакиллари билан мулоқотлар ўтказди.

Дастлаб, Шарқ маҳалласида сайёр қабул ташкил этилди. Самимий рўҳда кечган қабулда фуқароларнинг ижтимоий соҳа, қурилиш, транспорт, тиббиёт ва коммунал тизимга оид муносабатлари батафсил кўриб чиқилди. Аҳолини қийнаб келган муаммоларни аниқлаш ва уларни жойида ҳал этиш борасида тегишли ташкилотлар вакиллари аниқ вазифалар юкланди.

Сайёр қабул жараёнида М. Қодирхонова Сенатга муносабат йўллаган фуқаролар билан ҳам учрашиб, улар томонидан кўтарилган масала юзасидан жойида ўрганишлар олиб борди. Хусусан, Бойжигит маҳалласидаги "Меҳржон" номли 34-кўп тармоқли иқтисослаштирилган мактабга таълим ташкилоти кўздан кечирилди.

Маълум бўлишича, мазкур муассаса бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган, бу ерда фақат ногиронлиги бор болалар таълим олади. Маҳаллада соғлом болалар учун мактабга таълим ташкилоти мавжуд эмас. Натижада одамлар боғча ёшидаги фарзандларини бошқа ҳудудларга олиб боришга мажбур бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати қандай?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни асраш борасида кенг қўлланма ислохотлар олиб борилмоқда. Зеро ер одамларни боқса, кийинтирса, сув эса тириклик манбаи, табиатнинг бебаҳо инъомидир.

Фикр

Айни чоғда қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 236,3 минг гектарни ташкил этади. Бундан 3,2 млн. гектари суғориладиган экин ер майдонлари бўлиб, унда аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодий тармоқлари учун эса зарур хомаша этиштирилмоқда. Лекин сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида аҳоли жон боғида тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга, ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқаргани кўрсатилмоқда. Бу борада юртимизда суғори-

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Яқинда муҳим воқелик — шу йил 11 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди ҳамда уни 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Ушбу дастуриламал ҳужжат халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-истагини рўйбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлинига айланган кучли иқтисодийётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилди.

Нуқтаи назар

"Ўзбекистон — 2030" стратегияси бешта йўналиш ва 100 мақсаддан иборат бўлиб, унда барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар каторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қўлай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий чора-тадбирлар белгиланган. Унга кўра, қишлоқ хўжалигида суви тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ва суғориладиган майдоннинг ҳар бир гектарыга бериладиган сув ҳажмини 20 фоизга камайтириш орқали сувининг маҳсулдорлиги оширилади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали 1 метр куб ҳажмида сув билан суғорилган ер майдонидан 3,7 доллар миқдорида даромад олишига эришилади.



Сирожиiddин ВОХИДИДОВ олган сурат.

Сувдан самарали фойдаланишда замонавий бошқарув тизимининг кафолатли таъминлаш асосий қисми сифатида белгиланди. Умуман олганда, мазкур стратегияда барча соҳа ва йўналишларда бир қатор устувор мақсад-вазифалар ўз аксини топган. Хусусан, бутун дунёда сув танқислиги ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигида суви тежовчи технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қaratилаётганининг намоёни сифатида стратегияда аниқ



кургоқчиликка қарши кураш бўйича баёнотида кўра, 2050 йилга бориб кургоқчилик дунё аҳолисининг тўртдан у қисмидан кўпрогига таъсир этади. Жаҳон табиий ресурслар институти ва Британиянинг "Economist Intelligence Unit" ташкилоти тадқиқотларига кўра эса 2040 йилга бориб сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор.

Оқиги, Марказий Осиёда сувининг 80 фоиздан ортми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш учун ишлатилади. Шу боис Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти халқаро даражадаги тадбирлар ва минбарларда бир неча бор вужудга келиши мумкин бўлган сув танқислигини ҳамда экологик муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг бешта устувор йўналишининг учинчиси айнан "Сув ресурсларини тежаш ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш"га қаратилган мақсадларни ўзида жамлагани ҳам бежиз эмас. Хусусан, стратегияда сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга, ички суғориш тармоқларининг 50 фоизини ёпиқ қурули суғориш тизимларига ўтказиш мақсад қилинган.

Шунингдек, сув тежовчи тизимга илгор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ҳолда тупроқ қопламалари каналларни бетон қопламга ўтказиш бўйича етти йиллик чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, республикани сув ресурсларининг узоқ мuddатга мўлжалланган балансини ишлаб чиқиш ва унинг усти-

дан доимий мониторинг ўрнатиш тизими йўлга қўйилади.

Сир эмаски, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувларнинг асосий қисми қўшни давлатлар орқали кириб келади. Шунинг учун ҳам стратегияда қўшни давлатлар билан сув ресурслари ва давлатлараро сув хўжалиги объектларидан берилган фойдаланиш масалаларида икки томонлама манфаатли фаол ҳамкорлик давом эттирилиши белгиланган.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг келгуси етти йилда ривожлантиришга қаратилган стратегия доирасида глобал даражадаги экологик муаммолар таъсирини ўз вақтида бартараф этиш ва қишлоқ хўжалиги бошқаруви самарадорлигини ошириш орқали аҳолини эркин ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Биласиз, давлатимиз раҳбари ўз Сайловолди дастурида кейинги етти йилда таълим ва тиббиёт тизимини тубдан ривожлантириш борасида аниқ мақсадли режаларни эълон қилган эди. Айнан ушбу дастурда билдирилган бу борадаги фикрлар, режа ва таклифлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида "Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш" йўналишида акс эттирилиб, энг биринчи навбатда, таълим ва тиббиёт тизимидаги ислохотларга катта эътибор қаратилаётди.

Хусусан, педагог кадрлар маълумоти ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида минг нафар тарбиячи ва ўқитувчини хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув юкламаси-

Ушбу мақолада "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг икки устувор йўналишига эътибор қаратди. Шубҳасизки, ушбу ҳужжатнинг ҳар бир банди мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз манфаатларига хизмат қилади. Ушбу улғувроғлар эса мамлакатимизда инсон қадрини янада улуғлаётгани, унинг салоҳиятини юксалтириш, орзу-умидларини рўйбга чиқариш, тинч-осойишта, бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлаш бош мақсадга айланган ифодасидир.

Фахриддин ИСАЕВ, Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий асослари ва муаммолар илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, (ДС), доцент.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ХАЛҚАРО ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАНИ ОЛИМПИАДАСИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Римда "Global Hippo Association" ташкилоти томонидан ўтказилган "HIPPO" халқаро инглиз тили фани олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Фахр

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "Global Hippo Association" нодавлат нотижорат ташкилоти 2012 йилда ташкил этилган. Ушбу ННТ инглиз тили асосий тили бўлмаган давлатларда мактаб ўқувчилари орасида мазкур тилни ўрганишни тарғиб қилади. Буюк Британиянинг "Pearson Education" ташкилоти билан ҳамкорликда 2013 йилдан буён 1 — 11-синф ўқувчилари орасида ҳар йили "HIPPO" халқаро инглиз тили фани олимпиадаси ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда мазкур олимпиаданинг саралаш босқичларида 70 га яқин дав-



Халқаро олимпиадада гуруҳлар ўртасида кечган билимлар беллашувида Сирдарё вилояти мактаб ўқувчиси Нигора Тўйчибоева "Little Hippo" гуруҳида ғолиб бўлиб, биринчи ўринни эгаллади.

чиси ўз гуруҳларида ғолиб чиқиб, финал босқичига йўланма олган эди. Шу йилнинг 27 — 29 сентябрь кунлари Римда Италия Ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазирлиги шафелигида ўтказилган якуний босқичда қатор давлатлардан келган 273 нафар ўқувчи инглиз тилида ўз билимларини синаш учун турли гуруҳларда ўзаро бахslashди.

Халқаро олимпиадада гуруҳлар ўртасида кечган билимлар беллашувида Сирдарё вилояти мактаб ўқувчиси Нигора Тўйчибоева "Little Hippo" гуруҳида ғолиб бўлиб, биринчи ўринни эгаллади. Ташкилотчилар совриндорларни халқаро сертификат, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. Ушбу халқаро олимпиаданинг келгуси йилдаги финал босқичи Италиянинг Сицилия оролида бўлиб ўтиши маълум қилинди.

«Дунё» АА. Рим

Ҳарбий қасамд

ВАТАНГА ХИЗМАТ — БУРЧ ВА ШАРАФ

Ватан ҳимоясидек муқаддас хизматни ўташ ҳар бир йигит учун шараф. Аслида йигит кўсини гурурга тўлдирадиган дамлар ҳам шу — ҳарбий хизматга чорланиш. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ҳарбий округининг Навоий ҳарбий гарнизонида шундай аскарлардан бир гуруҳининг ҳарбий қасамд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда округ қўмондонлиги вакиллари, аскар йигитларнинг ота-оналари, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Вилоят ҳокими йигитлик онтини ичаётган аскарларни ҳаётидаги унутилмас лаҳзалар билан қўлга, Ватан учун хизмат қилиш — шараф, юрт осойишталигини асраш — бурч, сарҳадлар дахлсизлиги учун фидойилик — мардлик намунаси эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида миллий армиямизни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш, энг замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника турлари билан қуроллантириш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш, моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилганлиги, мuddатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтаган аскарларга бир қатор имтиёзлар берилиши ёшларнинг ҳаётдан муносиб ўрин топишига хизмат қилаётганлиги эътироф этилди.

— Фарзандининг "Ватан ҳимояси қўламан" деган аҳдини эшитган ота-она канчалар суюнишини тасаввур қилиш қийин эмас. — дейди ота-оналардан бири Риёқул Тошонов. — Минг қатла шукр, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Буларнинг барчаси Президентимизнинг оқилона сиёсати самараси, деб биламан. Юртбошимиз яқинда БМТнинг юксак минбаридан минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида бир қатор тақлифларни илгари сургани ва улар ҳамжамият томонидан ҳайрихоҳлик билан қабул қилинганлиги кўнгилмизни тоғдек кўтарди.

Тадбирда, шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш иштиқини янада кучайтиришда ота-оналар ва маҳалланинг ўрни юксак эканлиги қайд этилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

Гидроэнергетика

КУВВАТЛАР МОДЕРНИЗАЦИЯСИ БАРҚАРОР ТАЪМИНОТ ГАРОВИ

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, яқдиллиги, устувор ва улуғвор мақсадлар сари дадил интилиши орқали мамлакатимиз ҳар бир соҳада сезиларли ютуқ ва муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, гидроэнергетика йўналишида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бу борада "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ҳам ўз фаолиятини янада ривожлантириб, янги гидроэлектростанция (ГЭС)ларни қуриш ҳамда узоқ йиллардан буён фаолият юритаётганларини модернизациялаш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Сир эмас, юртимизнинг энг тарихий ва салоҳиятли, шу билан бирга, истиқболли ГЭСларидан бири, бу — Фарҳод ГЭСи ҳисобланади. Кеча ушбу ГЭС модернизациядан сўнг янгиланган энергетик кувватда ишга туширилишига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Маросимда тизимдаги корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳамкор хорижий компаниялар масъуллари, гидроэнергетик муҳандислар, шунингдек, журналистлар қатнашди.

Маълумот учун айтиш жоизки, узоқ йиллар давомида доимий эксплуатация туфайли ГЭСдаги кўплаб ускуналар жисмоний ва маънавий эскирган эди. Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги "2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига асосан ГЭСни модернизация ва қайта техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларга "Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг маблағлари ҳамда Россия Федерациясининг тижорат банки кредитлари йўналтирилди.

Маъжуд кувватни 104 МВтдан 128 МВтга ошириш, жисмонан ва маънавий эскирган жиҳозларни янги ва сингалган қурилмаларга алмаштириш, ускуналарни узлуқсиз жорий ҳамда мукамал таъмирлашга чиқаришни камайтириш, агрегатларнинг фойдаланиш муддатини 40 йилга узайтириш ва ҳар бир куб метр сув сарфидан самарали фойдаланиш, электр энергия таннархини пасайтириш каби омилларга эътибор қаратилди.

Модернизация лойиҳасида бош пудратчи ташкилот сифатида Россия Федерациясининг "Силовые машины" АЖ қатнашди. Субпудратчи ташкилот сифатида эса Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигидаги "Энергоресурс" қўшма корхонаси иштирок этди.

Шартнома шартига кўра, лойиҳа икки босқичда амалга оширилди. Хусусан, биринчи босқич — 2019-2020 йилларда — 3 ва 1-гидроагрегатлар, иккинчи босқич — 2021-2022 йилларда — 4 ва 2-гидроагрегатлар.

Бугунги кунда модернизация ишлари тўлиқ якунига етган бўлиб, гидроагрегатларнинг жами номинал куввати 128,2 МВтга етказилди. Агрегатларга сув сарфи ҳам 107,3 куб метр (1,2) ва 113 куб метр (3,4) микдорда сарфланиб, техник-иқтисодий жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Модернизация давомида очик тақсимлаш қурилмаси (ОТҚ)-110/35 кВ коммутация қурилмаларидан моли ўчиргичлар замонавий элегази ўчиргичлар билан алмаштирилди.

Қайд этиш лозимки, аввалги моли ўчиргичлар ёнғин ва портлашларга олиб келганлиги сабабли эксплуатация харажатлари ошишига сабаб бўлган. Элегази ўчиргичлар эса 1 кВдан юқори ҳар қандай қучла-

нишларда ишлаши, ўчириш-ёқиш пайтида содир бўладиган ёйсимон оловнинг ёпиқ ҳажмида, очик ҳавога зарарсиз ўчирилиши, нисбатан кичик вазн ва ҳажмига эгалиги, ёнғин-портлаш хавфининг йўқлиги, тез ишлаши, юқори ўчириш қобилияти, контактларининг кам емирилиши туфайли узоқ ва овозсиз ишлаши, очик ҳажмида ёпиқ қурилмаларда ўрнатилиш имконияти, хавфсиз эксплуатацияси туфайли самарали ҳисобланади.

Модернизация ишлари давомида ГЭСнинг эски 1 ва 2-агрегатлари тўлиқ янгисига алмаштирилди, 3 ва 4-агрегатлар эса бутунлай модернизация қилинди.

— Янги агрегатларнинг эскиларидан асосий фарқи ҳар бир кВт учун сувнинг камроқ сарфланиши, бошқарув ҳамда автоматик тизимнинг замонавийлиги, узоқроқ муддатларда ишлаб, эксплуатация харажатларини камайтиришга хизмат қилиши ва энг асосийси, хавфсиз ҳамда ишончли ишлашидир, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ахборот хизмати раҳбари Равшан Бойқулов. — Агар солиштирадиган бўлсак, эски трансформаторларда меёр бўлмаган умумий 180 тонна атрофида мой сизими бўлган бўлса, янги трансформаторлар умумий 120 тонна атрофида мой сизимига эга. Эски трансформаторларда сизиб чиқилар туфайли ҳар йили йўқотилиши ўрнини қоплаш учун қўшимча мой куйилган. Янги трансформаторларда эса мой сизиб ҳолатлари йўқ.

Мутахассисларнинг фикрича, мой сарфи тежамкорлиги ва таъмирлашнинг камайиши эскиларга нисбатан янги трансформаторларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлигини кўрсатади. Корхонада энергетика қурилмаларининг янгиланиши ҳисобига уларнинг хизмат қилиш муддати камида 40 йилга узайиши кутилмоқда. Бу эса модернизациядан сўнг ўртача йилга 531,2 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Ўз навбатида, ушбу кўрсаткич бугунги кунда йилга 167,3 млрд. сўмлик энергия манбаи, дегандир.

Умуман олганда, мамлакатимиз гидроэнергетика соҳасининг изчил тараққиёти электр энергияси ишлаб чиқариш кувватларини ошириш билан бирга, янги ГЭСлар қурилаётган, модернизация қилинаётган гидро-техник иншоотлар жойлашган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хонадонлар нуррафшонлиги, энг муҳими, янги Ўзбекистон иқтисодиётининг янада тараққий этишига муҳим ҳисса қўшади.

Дарвоқе, тадбир давомида савоб ишга қўл урилди. "Фарҳод ГЭС" унитар корхонасининг қўшимча даромадлари ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва қувонч улаштириш мақсадида корхона ишчи-ходимлари ҳамда ГЭСга яқин жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар 11 нафар фарзандининг суннат тўйи ўтказиб берилди.

Болажонларга корхона томонидан велосипед ҳамда телевизорлар эсдалик совғалари сифатида тақдим этилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

ОВУЛЛАРГА ОБИҲАЁТ КЕЛДИ

Шу йилнинг 22 сентябрь куни Президентимиз раислигида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилган эди. Унда сўнгги олти йилда ичимлик суви соҳасига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар олдинги даврдагига нисбатан кўпайгани, натижада минглаб маҳаллаларда яшайдиган аҳоли хонадонларига тоза ичимлик суви кириб боргани таъкидланди.

Илк бор ичимлик суви билан таъминланган минглаб маҳаллалар ҳақида эшитиб, беихтиёр ҳаёлимдан бундан 20 йилча олдин талабалик давримизда пахта теримига борган овулларга ҳам суви етганмикан, деган ўй ўтди.

Инфратузилма

...2005 йил куз фасли. Шуманай туманидаги овулларнинг бирига пахта теримига борганмиз. Овул ҳудудига сув тармоғининг ўзи йўқ. Октябр ойи бошлангачи билан қишлоққа яқин жойдаги ариқ, каналларда сув деярли қолмади. Кейин овулдаги ёш болалар кўмакда 4-5 километр масофадан сув олиб келина бошланди. Ҳўжайли туманининг Қамиш жали овулида ҳам худди шундай аҳвол эди.

Хуллас, кейинги йилларда Қорақалпоғистондаги олис овулларни ичимлик суви билан таъминлаш жараёнида Ҳўжайли туманидаги ўша Қамиш жали овулига ҳам сув қувури тортилдимикиан, дея суриштириб бордим. Буни қарангки, олдин сув тармоғи ҳам бўлмаган ва бугун ичимлик суви билан таъминланган мингта ҳудуд ичида Қамиш жали овули ҳам бор экан...

— Президентимизнинг Қорақалпоғистонга қаратаётган алоҳида эътибори, қолаверса, Жўқорги Кенжагоннинг туманидаги аҳоли раисининг туманидаги аҳоли билан ўтказган сайёр қабуллари-

даги муносабатларнинг ижобий натижалари бизнинг овулимиздаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда, — дейди Қамиш жали овули бийи (қўчабоши) Халмурат Сапаров. — Овулимизда олдин сув тармоқлари бўлмаган. Ичимлик сувини артезиан қудуқлардан олардик. Худудда қазилган артезиан қудуқларнинг қўчилигидан истеъмолга яроқсиз, шўр сув чиқарди. Аҳолининг бу борадаги муносабати инобатга олиниб, овулимизга ичимлик суви келди. Халқимиз бу каби хайрли ишлар бошида турган инсонлардан миннатдор.

Дарҳақиқат, худудда сўнгги йилларда бошқа соҳалар каби аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонга таширифи давомида берилган топшириқлари асосида 101 километрлик янги сув тармоғи тортилди. Натижада қисқа муддатда энг олис ҳудуд бўлган Мўйноқ

аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди ва бу иш ўша вақтда таъбир жоиз бўлса, оламшумул воқеага айланган эди.

Олис ҳудудларга сув етказиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинса, 2017 йилда Мўйноққа сув етказилган бу борадаги ишларнинг дебочаси бўлганини кўриш мумкин.

Дарвоқе, йигирма йилча олдин ичимлик суви таъминоти жуда оғир ҳудудлардан бири бўлган Шуманай туманида бугун аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қандай? Бу йўналишда амалга оширилган ишлар юзасидан масъуллардан маълумот олишга ҳаракат қилдик.

— Шуманай туманида ўтган беш-олти йилда умумий қиймати 31,6 млрд. сўмлик лойиҳа асосида 164,4 километрлик ичимлик суви тармоқлари тортилди, — дейди "Қорақалпоқ сув таъминоти" МЧЖ раисининг ўринбосари Байрам Матмуратов. — Шунингдек, 6 та сув иншоотида қуриш ва реконструкция ишлари бажарилди. 2016 йилнинг якунига кўра, туман аҳолисининг 39,5 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 64,6 фоизга етказилди.

Олис ҳудудларга ҳам сув тармоқлари тортилиб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси республика ҳудудида кескин ошгани таҳлилий рақамларда ҳам намоён бўлаётган.

Масалан, 2016 йил якунига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида жами 1 млн. 791,1 минг аҳоли истиқомат қилган бўлса, шундан 909,3 минг, яъни 50,8 фоиз аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланган эди. Мавжуд 91 та сув иншоотида 45 таси ва 4 805 километрлик ичимлик суви

тармоқларидан 1 466 километри таъмирталаб ҳолатда бўлган.

Президент қарорлари ҳамда худудга таширифи давомида берилган топшириқлари асосида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш, сув таъминоти оғир бўлган аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида ўтган йиллар давомида юзлаб сув иншоотлари ва уч минг километрга яқин ичимлик суви тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари бажарилган.

Дарвоқе, жорий йилда эса республика аҳолисининг ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида умумий қиймати 211,8 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 383,8 километрлик ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 24 та сув иншоотини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада 75,5 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиши, 138,6 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиши ҳамда йил якунига қадар ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 74,3 фоизга етказиш кутилмоқда.

"Қорақалпоқ сув таъминоти" МЧЖ томонидан берилган маълумотларга кўра, келгусида аҳолининг ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида 2024 — 2026 йилларда амалга ошириладиган ишларнинг дастлабки манзилли дастури ишлаб чиқилиб, унга

кўра қиймати 420,3 млрд. сўмлик маблағ доирасида, узунлиги 1182 км. ичимлик суви тармоқлари ва 42 та сув иншоотини янги-дан қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки иштирокида умумий қиймати 172,3 млн. доллар бўлган "Ўзбекистоннинг Фарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш" лойиҳасини 2021 — 2025 йилларда амалга ошириш белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳа доирасида Нукус, Беруний, Қорайқаз, Амударё, Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида Тахитовчи, Манғит сув тозалаш иншоотлари ва Туя-мўйин сув тозалаш иншоотининг иккинчи кўтариш насос станциясини реконструкция қилиш ҳамда узунлиги 315,3 км. магистраль ва 921,0 км. ичимлик суви тармоқлари, 28 та сув тақсимлаш иншооти қуриш ҳамда реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Туя-мўйин сув тозалаш иншоотида ҳамда Нукус туманида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилаётган. Ушбу амалга оширилган ишлар натижада 2026 йил якунига Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 89,7 фоизга етказиш назарда тутилган.

Умуман олганда, Қорақалпоғистонда ичимлик суви етиб бормаган ҳудудларга сув тармоқларини тортиш ҳамда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар қизгин давом эттириляпти. Бу эса қорақалпоқ элининг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириб, турмуш фаровонлигини таъминлашга йўл очаяпти, десак, айни ҳақиқат.

Ғайрат ОТАЖОНОВ (Халқ сўзи).

«ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ» ТАҚДИМОТИ

Самарқанд шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона марказида "Туркий адабиёт дурдоналари" номли 100 жилдан иборат китоблар туркумининг тақдими ҳамда маъруз асарларнинг муаллифи ва иходкорлари билан иходий учрашуво бўлиб ўтди.

Учрашув

Тадбирда 100 жилдик асарлар мажмуасини нашрга тайёрловчи ишчи гуруҳ аъзолари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган ёзувчи, шоир ва таржумонлар, шарқшунос олимлар, журналистлар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, "Туркий адабиёт дурдоналари" номли маъруз 100 жилдик китоблар туркуми Президентимизнинг Тур-

кий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 2019 йил 15 октябрь куни Боқуда бўлиб ўтган 17-саммитидаги ташаббусига мувофиқ нашр этилган. Ушбу жамламага умум-туркий адабиётнинг энг етуқ намуналари, Ўзбекистон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, қузатувчи мамлакатлар — Туркменистон ва Венгрия давлатларининг XI — XXI асрларга мансуб жами 629 нафар атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларининг асарлари киритилган. — Маъруз мажмуани тайёрлаш учун 200 дан ортиқ таржимонлар, 100 дан

зиёд адабиётшунос ва матн-шунос олимлар, адиблар, муҳаррир ҳамда рассомлар жалб этилди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бош мутахассиси, 100 жилдик китоблар туркумини нашрга тайёрловчи ишчи гуруҳнинг мувофиқлаштирувчиси Рисолат Ҳайдарова. — Маъруз мажмуанинг 5 жилди умумий адабиётлар, Ўзбек адабиёти — 28, қорақалпоқ адабиёти — 5, турк адабиёти — 17, озарбайжон адабиёти — 16, қозғистон адабиёти — 10, қирғиз адабиёти — 9, туркман адабиёти — 9 жилдни ва 1 жилди венгер адабиётини ўз ичига олади. Асарлар мажмуаси дастлабки



тарзда 200 минг нусхада чоп этилган. Тақдимот маросими ҳамда иходий мулоқот унутилмас китоб байрамига айланма кетди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ (Халқ сўзи).

ИРОДАЛИ ИНСОН ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

Инсон ҳаётида ўтаётган куннинг қандай бўлгани, аҳамияти эришган ютуқлари билан белгиланади, дейдилар. Шаҳрисабзлик тадбиркор, тажрибали боғбон Акбар Ҳасановнинг бахтсиз ҳодиса туфайли икки оёғидан ажралганига қарамай, соҳада кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келаётгани ҳақида эшитиб, у билан суҳбатлашиш фикри туғилди. Айни шу мақсадда ушбу туманга тадбиркорни излаб йўлга чиқдик...



бу шижоатли инсоннинг хикояларини тинглар экансиз, инсон иродаси, сабр-матонатининг чек-чегараси йўқлиги амин бўласиз. У икки оёғидидаги қўлбола протез билан Ўзбекистондаги энг баланд жой — Ҳазрат Султон чўққисига чиқиб тушишни ундаблади. Қишлоқ ҳўжайли соҳасида амалга ошираётган ишлари эса алоҳида таҳсинга сазовор.

— Мактабни тамомлаган, кўп йиллар давомида хориж бозорларига оғир олиб бориб сотиб билан шуғулланам, — дейди у. — Кейинчалик ўзимда ҳам бог ташкил этиб, анор етиштириш режаси пайдо бўлди. Шу мақсадда 2017 йилда Шаҳрисабз тумани ҳудудидан 12 гектар ер олиб, у ерга 2600 тул анор, 2000 тул шафтоли, 1600 тул олхўри қўчатларини эккан эдик. Ўтган йили ҳосил зўр бўлди. Бирок бу йил кишки аномал совуқ туфайли даракларнинг бир қисми нобуд бўлди. Лекин бунинг ҳам хайрли томони бор. Бошида озгина тажрибасизлик қилиб, од-

дий навлардан эккан эканман. Бу йил нобуд бўлган даракларнинг ўрнига хориждан келтирилган, юқори сифатли мева уруғларини қададик.

Дарвоқе, Акбар Ҳасанов 12,5 сотих майдонда иссиқхона ҳам ташкил қилган. Бу ерда 125 тул лимон парваришланмоқда. Эътиборимизни тортган жиҳат эса, боғбоннинг пайвандчилигидаги укуви бўлди. Ахир бунларнинг бир шижоиди лимон, бошқасида мандарин, яна бирида апельсин етилиб турганини ҳамма жойда ҳам учратавермайсиз-да.

— Лимонларни энди ҳосилга қира бошлади, — дейди А. Ҳасанов. — Улар тўлиқ етилиб олган, ҳар биридан энг камида 25 — 30 килограммдан ҳосил олиш мумкин. Боғдорчилик қаҳрамонисини танлаган ягона йўналиш эмас. У келгусида жамият қошида чорвачилик, паррандачилик тармоқларини ҳам

Орамиздаги одамлар

Бизни Акбар Ҳасанов кутиб олди. Тўғриси, бир қарашда қадамлари шаддам, меҳнатда пишган, чайир, ўқтам овозли, юз-кўзларини ҳаётдан манмунилик ҳисси акс этиб турган бу одамнинг ногиронлиги бўлган инсон эканлигига ишонгинг келмайдими.

Қаҳрамонимиз бизни ўзи раҳбарлик қилаётган "Ҳасанов Акбар Мухаммадиевич" МЧЖ боғдорчилиги фермер ҳўжайлигининг дала шийпо-нига бошлади. Шу ердаги супада бизроқ суҳбатлашдик. Кўнглимиздан ўтганни илгиди чоғи, гапни бошқали хотирларидан бошлади.

— Ўшанда ўн ёшда эдим, — дейди у протез оёқларига ишора қилиб. — Кўчада тенгдошларим билан чоп-қилаб ўйнаб юрган шўх-шодон бола эдик. Бахтсиз ҳодиса туфайли бир кунда икки оёғимдан ажралганман. Бундан яқинларим қаттиқ тушқунликка тушибди. Уларнинг юз-кўзидида изтиробни кўриб, уларни овутишга, оёқсиз ҳам бемалол ҳамма ишни бажара олишим мумкинлигига ишонттиришга ҳаракат қилардим.

Аввалига икки кўлтиқтаёқда юришни ўргандим, кейинроқ тенгдошларим билан протез оёқларимда копток тепиб, қувлашмачоқ ўйнайдиган бўлдим. Кимдир менга ачиниш ҳисси билан қарамаслиги учун бошқалардан кўпроқ меҳнат қилишга, оғирроқ ишларни ҳам бемалол бажаришга одатландим. Тўғри, буни ундаш осон эмас, лекин бўш келмадим...

Хуллас, бошидан кўп синовларни ўтказган, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт қозонида қайнаб тобланган бу инсоннинг илгиди чоғи, гапни бошқали хотирларидан бошлади.

— Ёшлиқда заводда ишлаб чиқарилган, ҳақиқий протездан фойдаланардим, — дейди у. — Бу протез-қилаб анча енгил, юриш учун қулай, лекин оғир ишларни бажаришда қўйинчилик туғдиради. Шу боис сизги терисини пиштириб, уни қават-қават қилиб қаттиқ ўраб, протез ясаб олганман. Бу бироз оғир бўлса-да, лекин чидамли. Юк кўтарсангиз ҳам, тепаликка чиқсангиз ҳам бемалол дош беради.

Ҳаёт зарбаларига бўш келмаган

Box for Boz Muxarrir Utkir RAHMATOV, containing contact information, address, and QR code.

Box for Manzilimiz: 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov kichasi, 55-uy. Includes contact details for Navbatchi muxarrir B. Madievov and Muxahhiz - Sh. Mashrabboev.

Box for Halq S'uzi Narodnoe Slovo, featuring the logo and contact information for the newspaper.